O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ МУБОРАК!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*


# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 1 сентябрь ШАНБА

№ 72 (11.979)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал ва муҳташам майдонда бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дўст ва биродарларимизни бутун халқимиз номидан қутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда ғоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширганислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.

Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз босиб ўтган йўл, унинг улкан самаралари, синов ва машаққатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни тўла ишонч билан айтиш лозимки, шу йиллар давомида юртимизда демократик давлат қуриш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод қилиш йўлида эришган марраларимизни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Бугун мана шундай шукуҳли дамларда бу ютуқларнинг ижодкори бўлган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, жасур ҳарбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, фидойи муаллим ва ўқитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг беқиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан.

Ҳурматли юртдошлар!

Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.

Айни пайтда бугун олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар ўтган давр мобайнида барпо этилган салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, бор куч-қудратимиз, имконият ва ҳаракатларимизни эртанги истиқболимиз, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб қилади.

Бу ҳақда гапирганда авваламбор қуйидагиларга эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** эришган ютуқ ва натижаларимизга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиё бўлмасдан, ўз олдимизга юксак марралар, узоқ ва давомли эзгу мақсадларни қўйиб яшашимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайнида ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2-2,5 баробар кўтариш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши шарт.

**Иккинчидан,** сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар, ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний ваколатларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

**Учинчидан,** ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратимизни ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қилади.

**Тўртинчидан,** эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

**Бешинчидан,** юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз "Ижтимоий ҳимоя йили" бўйича қабул қилинган давлат дастурида ўзининг яққол амалий ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кўнглимдаги яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.

Бугун 16 йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни баҳолар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуғлаш, юксак муддаоларимизга етиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш мақсадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тўкиб қилган меҳнатимиздан ҳар қанча фахрланиб, ана шу ютуқларга мен ҳам муносиб ҳисса қўшдим, деб бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга тўла ҳаққимиз бор, десам, ўйлайманки, бу фикримга барчангиз қўшиласиз.

Мана шу мунаввар оқшомда сизларни Ватанимизнинг Истиқлол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## БУ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди**

Мустақиллик – озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғururини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами – Мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн олти йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди.

Ўн олти йил. Балоғат ёши. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимизнинг мустаҳкамлангани, том маънода, балоғат палласига қадам қўйгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланади.

Ўн олти йилдирки, эл-юртимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари Юртбошимиз раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.

2007 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали томоша қилади. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи – интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларигача кириб боради.

Майдон узра таралаётган оҳанрабо куй ва қўшиқ таъсирида кўз ўнгимизда истиқлолнинг ўн олти йили бирма-бир гавдаланади.

Президент Ислом Каримов куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида ўтган давр мобайнида халқимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

Ўтган даврда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида бетимсол ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган икки палатали парламент ана шу янгиланишларнинг яна бир юксак маҳсулидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган ва маъқулланаётган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми – суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги концепция ишлаб чиқилди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос бўлган ярашув институти жорий этилди.

...Майдонда таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Кўнгилларга ўктамлик бағишловчи мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида бунёдкор эл қураётган озод ва обод Ватан манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Байрам дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, ана шундай бунёдкор халқ яшайдиган юртнинг келажаги шубҳасиз буюкдир, деган қатъий ишонч янада мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. Йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда изчил татбиқ этилаётган миллий тараққиётнинг "Ўзбек модели" – Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ўз самараларини бермоқда.

Дарҳақиқат, бундан ўн олти йил муқаддам асосан хомашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган республикамизда автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, электроника каби мутлақо янги тармоқлар йўлга қўйилди, минглаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури импортни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Қизилқум фосфорит, Бухоро нефтни қайта ишлаш, "ЎзДЭУавто", Қўнғирот сода, Самарқанд автобуслар ва кам сиғимли юк машиналари ишлаб чиқарувчи заводлари, Шўртан газ-кимё

(Давоми 2-бетда).

Қадр



## ЎҒИЛОЙ МОМОНИНГ БАХТИ

**Айтишларича, одам олтмиш ёшгача ўсиб, улғайиб, кексайиб бораркан. Олтмишдан ошгач эса, яна аста-секин болаликка қайтаркан. Бўлса бордир. Йўқса, Тўйтепа шаҳрининг Истиқлол маҳалласида ҳам узоқ, ҳам мазмунли умр гаштини сураётган 103 ёшли Ўғилой момо ҳеч ким кутмаган янгиликни эшитганида, болалардек чапак чалиб, қувонармиди.**

Бир тўп чевара-эваралари чуғурлашиб киришиб, унга Давлат мукофоти – «Шуҳрат» медали беришганини, бу Юртбошининг Фармони эканлигини айтишганида, дадаси велосипед олиб берган боладек, қувончи ичига сиғмай кетди. Кейин кўзига ёш ҳам олди. Йўқ, бу ўзининг болалиги, ёшлиги, ҳатто, онгли ҳаётининг бир қисми таҳликали ва беҳаловат кечган кексанинг энди эл-юрти бахтини кунда кўриб турувчи кўзларида қалққан қувонч ёшлари эди.

– Нимасини айтай, болаларим, – дейди момо, – бу бош нималарни кўрмади. Яратганга шукр, сабр таги олтин деганларидек, аввало, фарзандларим, кейин эса невараларим маъқул чиқиб, турмушимдан нолимай яшадим. Мана энди, Аллоҳ эвара-чевараларимнинг бахт-иқболини кўришни ҳам насиб этаяпти. Ҳа, ёшларини суяб, қўллаб-қувватлаб, кексаларини авайлаб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб, ардоқлайдиган юрт ҳам, Юртбоши ҳам кам бўлмайди.

Бугунги кунда табаррук момо нафақат Истиқлол маҳалласи, балки, бутун туман аҳлининг дуогўйи. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, таниш-билиш ҳар байрам момони зиёрат қилгани келишиб, гапга солишади, қизиқ-қизиқ ҳикояларини тинглашади, энг муҳими – дуосини олишади.

**СУРАТДА:**

Ўғилой момо мукофотини эваралари Ҳулкар ва Бахтиёрга кўз-кўз қилаяпти.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## БАХТ УЙИГА ҚИЁС ҚИЛГУЛИК

***Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида соғликни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш вазифаси халқ турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тизимида алоҳида ўрин тутиши, шу боис тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилгани, натижада бугунги кунга келиб оналар ўлими 1991 йилдагига нисбатан 2,5 баравар, болалар ўлими эса 2 баравардан зиёдроқ камайганлигини мамнуният билан таъкидлади.***

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида аввалги самарасиз ишлаб келган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди, шунингдек, барча қулайликларга эга бўлган юзлаб янги туғруқхоналар қуриб, ишга туширилди.

Ана шундай мукаммал жиҳозланган замонавий туғруқхоналардан бири Мустақиллик байрами арафасида Оҳангарон шаҳри ва тумани аҳолисига маҳаллий ҳокимият идоралари ва Россиянинг «Евроцемент групп» компанияси таркибига кирган «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти томонидан туҳфа этилди. Лойиҳа қиймати 650 миллион сўм бўлган 40 ўринли туғруқхонанинг кўзи ёриган оналарга мўлжалланган кенг, ёруғ палаталари ва муолажа хоналари экологик тоза қурилиш ва пардозлаш ашёларидан бунёд этилиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Зеро, маҳаллий аҳоли янги туғруқхонага бахт уйи дея таъриф бераётгани бежиз эмас.

# БУ БАЙРАМ – БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда).

мажмуаси сингари кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди. Биргина шу йилнинг дастлабки олти ойида 154 янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан 30 енгил ва тўқимачилик саноати объекти ишга туширилгани бу борадаги ишлар нечоғли жадал бораётганидан далолатдир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. Республикамизнинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шарт-шароит яратадиган, халқаро транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмаси янгиланди. Юртимизнинг йирик шаҳарларидаги аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Темир йўл вокзаллари замон руҳига мос равишда янги қиёфа касб этди.

Байрам арафасида қуриб битказилган "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл линияси диёримиз тарихида оламшумул аҳамият касб этувчи, мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу янги темир йўл наинки Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам боғлади.

Айни чоғда, у фақат Ўзбекистон учун эмас, балки минтақамиз тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Янги темир йўл линияси қўшни мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни жадаллаштириш ҳамда келгусида Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфази портларига чиқиш учун ҳам хизмат қилади.

Истиқлолимизгача юртимизда бир миллион тоннага яқин ғалла етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич олти миллион тоннадан ошди. Бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш ҳисобидан эришилмоқда. Масалан, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида ғалла ҳосилдорлиги 20 центнердан ошмаган бўлса, жорий мавсумда бу кўрсаткич 48 центнердан ортди. Бу юртимиз аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки эҳтиёжидан зиёдини экспорт қилиш имконини ҳам бераётир.

Бундай ютуқлар замирида, аввало, тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган халқимизнинг фидокорона, ҳалол меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати, юртдошларимизнинг Ватанга садоқати, ёруғ истиқболга ишончи мужассамдир. Бу, ўз навбатида, йилдан-йилга аҳолининг реал даромадлари кўпайишига, демакки, кишиларимизнинг ҳаёти янада фаровонлашувига олиб келмоқда.

..."Ўн олти ёш бўлдик биз". Майдонда улуғвор байрамнинг тантанавор руҳига ҳамоҳанг бўлиб, кечага ўзгача файз ва тароват бахш этиб куйлаётган ва шўх-шан рақс тушаётган Истиқлол тенгдошларини олқишлар эканмиз, қалбларимизда яна бир бор бетакрор Ватанимиз, унинг келажакка интилаётган иқтидорли йигит-қизлари билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода, уларни етук инсонлар этиб вояга етказиш, бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган ўз самарасини бермоқда.

Истиқлол йилларида юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонларида ёшларимиз эришаётган ғалабаларда ҳам намоён бўлмоқда. Бугун улар дунё спорт майдонларида юрт байроғини баланд кўтармоқда. Рустам Қосимжонов ва Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гўзал Хуббиева ва Мафтуна Тўхтасинова, Рустам Саидов ва Ўткирбек Ҳайдаров ҳамда уларнинг издошлари бўлган юзлаб шижоатли ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва қитъа беллашувларида ёрқин ғалабалари билан Ватанимиз шуҳратини тараннум этиб, дунё аҳлини ҳайратга солмоқда.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган дунё тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тизимининг жорий қилиниши юртимизда соғлом авлод вояга етаётганидан яна бир далолатдир. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақаларидан иборат бу тизим биринчи синф ўқувчисидан то олий ўқув юртлари талабаларигача бўлган ёшларни ўзига қамраб олди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига ўн йил тўлди. Ўтган даврда ушбу ҳужжатлар ва кейинги даврда ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши таълим сифати ва мазмун-моҳиятини тубдан яхшилаш имконини берди.

Таълим соҳасидаги давлат дастурлари ушбу жабҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, халқаро меъёрларга мувофиқ билим олиш жараёнини такомиллаштириш имконини бермоқда. Давр ва ислоҳотларимиз талабларига жавоб берадиган таълим стандартлари, дарсликлар яратилди. Олис ва чекка қишлоқларда ҳам компьютерлар, ўқув-лаборатория ускуналари, зарур адабиётлар билан жиҳозланган замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, бошқа илғор таълим масканлари барпо этилаётир.

Мамлакатимизда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ўзида мужассам этган ўн икки йиллик ўқитиш тизимига ўтилди. Бу тизим ўғил-қизларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий-демографик шароити, меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш имконини бермоқда.

Бугун мамлакатимизнинг олис қишлоқларида қад кўтарган мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шарт-шароит шаҳарларда бунёд этилган ана шундай таълим муассасаларидаги шароитдан қолишмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча ўғил-қизларнинг пухта таълим, мукаммал тарбия олиши учун етарли шароит ва имкониятлар яратилган. Айниқса, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ушбу дастурга асосан Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Шу билан бирга жисмоний имконияти чекланган болалар учун махсус – инклюзив таълимни тобора ривожлантириш, уни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Соҳанинг барча бўғинлари қатори махсус таълим тизими мутахассислари, педагог ва тарбиячилар меҳнати қўллаб-қувватланмоқда, муносиб рағбатлантирилмоқда, уларни қайта тайёрлаш, касбий маҳоратини юксалтиришга катта аҳамият қаратиляпти.

Истиқлол ёшларимизга юртимизнинг ва хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконини яратди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасида бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг замонавий тизимига ўтилди.

...Майдон узра таралаётган наволар, куй-қўшиқлар авжга чиқади. Саҳнада миллий либослардаги қизлар намоён бўлади. Мамлакатимизда истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган умидбахш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида хотин-қизларимизнинг улуши йил сайин ошиб бормоқда. Зеро, оиладаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида юртимиз хотин-қизларининг алоҳида ўрни бор. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони хотин-қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Бугунги кунда хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, спортга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Уч йил муқаддам йўлга қўйилган Республика хотин-қизлар спартакиадаси йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Синхрон сузиш бўйича "Сув париси", бадиий гимнастикачиларнинг "Шарқ гўзали" халқаро турнирлари хотин-қизларимизнинг спорт оламида нималарга қодирлигини дунёга кенг намойиш этмоқда.

Ижтимоий ҳимоя йилида навқирон йигит-қизларимизга, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрлик янада юксалди. Президентимизнинг 2007 йил 18 май куни имзоланган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу йўлда қўйилган залворли одим бўлди. Ушбу фармон ижроси доирасида жойларда минглаб ёшларимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ёки сотиб олиш, шунингдек, мебель ва бошқа ҳаётий зарур товарлар харид қилиш учун банклардан имтиёзли шартлар асосида кредитлар олмоқда...

Даврага болалар чиқадилар. "Томоша" болалар ижодий театр студияси, "Булбулча", "Юлдуз", "Ором" ва "Наврўз" болалар ашула ва рақс дасталари "Бахтиёр болалармиз" вокал-хореографик композициясини ижро этадилар. Болаларнинг шўх-шодон куйлашлари, рақсга тушишлари томошабинларни тўлқинлантириб юборади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди, ҳавас қиласиз. Қувноқ ва серзавқ ўғил-қизларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари, шўхчан рақслари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади...

Соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан яна бир далолат. Тизим моддий-техник базасининг муттасил яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Оналар ва болалар ўлимининг кескин камайиши, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида қўлга киритаётган ютуқларимиз БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ сингари кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралардандир...

Ўзбекистон БМТ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сингари тузилмалар доирасида жаҳон ҳамжамияти ва минтақа давлатлари билан кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни амалга оширмоқда. Шу тариқа юртимиз ҳаётбахш ислоҳотлари, демократик ўзгаришлар йўлида собитқадамлиги, мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунё халқларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

...Истиқлол туфайли ажлодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий-маданий меросимиз қайта тикланди. Умуминсоний қадриятларга эш бўлган миллий ва диний қадриятларимиз бойиб, ривож топиб бораётир. Бу борадаги кенг кўламли эзгу ишларимиз самараси ўлароқ, 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан маданий-маънавий воқеа бўлди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейларини халқаро миқёсда нишонлаш яхши анъаналаримиздандир. Куни кеча Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик қутлуғ тўйи кенг нишонланди. Тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари билан дунё аҳлини лол қолдириб келаётган Самарқанд истиқлол йилларида замонавий шаҳар сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Бундай азим шаҳарларимизни янада обод этиш, шу кентларда яшаган аждодларимиз меросини қайта жонлантириш ва ривожлантириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Шу кунларда Марғилон шаҳри тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилоннинг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш халқимизнинг боқий меросини асраб-авайлашда, кенг тарғиб этишда, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ўтган йиллар мобайнида миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, эстрада санъатини ривожлантиришга хизмат қиладиган талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда миллий ва халқаро мусиқа фестиваллари, кўрик-танловлар ўтказиш анъана тусини олди. Самарқандда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали Машриқу Мағриб мусиқа ва қўшиқчилиги ноёб намуналарини жаҳонаро тарғиб этиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда.

...Майдон узра турли миллат қўшиқлари жаранглайди. Ўзбекистон – дунёга бағрини очган диёр. Зеро, шу азиз Ватан – барчамизники. Бу заминда асрлар мобайнида ўнлаб миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, елкама-елка яшаб келмоқда. Юртимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳити ҳукмрон. Республикамизда кишиларнинг диний ва миллий мансублигидан қатъи назар, барча билан бирдек бағрикенглик асосида муносабатда бўлиши, оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик сингари халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги туфайли 130 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаб, ягона мақсад – юрт тинчлиги ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилмоқда...

Майдонда ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага саф-саф бўлиб шахдам ва собит қадамлар билан Ватан посбонлари кириб келадилар.

Мана, 16 йилдирки, Ўзбекистон ўз Конституциясига таянган ҳолда ўзининг ҳеч ким дахл қила олмайдиган мудофаа ҳуқуқини рўёбга чиқариб келмоқда. Бунда мамлакат мудофаа қобилиятини мунтазам мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни мудофаага қодир даражада сақлаш зарурати энг устувор вазифаларимиздан ҳисобланади.

Истиқлол даврида халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуролли Кучларимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти ошди. Эндиликда замонавий ёшлар армияда хизмат қилишга интилмоқда, ҳарбий хизмат сўзда эмас, амалда обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Қуролли Кучлар олдига қўйган асосий вазифаси шундан иборатки, ҳарбий хизматни ўтаган ва армиядан қайтган йигитлар жисмонан ва маънан соғлом, заковатли, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган инсонлар бўлиши даркор.

Ҳа, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, "ўтган йиллар давомида машаққатли, шу билан бирга, шарафли, том маънода тарихий даврда доимо елкама-елка туриб, қандай улкан ва олижаноб ишларни амалга оширганимиз, буюк келажагимиз пойдеворини ўз қўлимиз билан барпо этаётганимиз барчамизга ҳар қанча фахрланиш, босиб ўтган йўлимизни миннатдорлик билан эслаш учун асос беради".

...Файзли оқшомнинг фараҳбахш лаҳзаларида қалбларимиздан тошаётган ҳаяжон ва шодлик мисоли самода ранг-баранг мушаклар порлайди. Сирли ва сеҳрли ёғдуларга боқиб, кўнглимиз тоғдек юксалади. Шу гўзал кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтамиз. Қувонч тўла кўзларда акс этган ишонч, ғурур ва ифтихор, меҳру муҳаббатга боқиб, шундай тилак дилдан тилга кўчади: Истиқлол байраминг муборак бўлсин! Озодлигинг абадий бўлсин, Ватан!

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим соҳасида кенг қамровли изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бу йўлда муҳим йўналишларни белгилаб берди. Айниқса, фарзандларимизнинг эртанги кун камолини ўйлаб, ижтимоий ҳаётда жорий этилган узлуксиз таълим тизимидаги саъй-ҳаракатларимиз таъкидланганидек: «Фарзандларимиз биздан кўра, кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт» тамойили асосида олиб борилаяпти.

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мазмунан янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини замон талаблари асосидаги давлат таълим стандартларига мувофиқ ташкил этиш мақсадида бугунги кунда республикамизда мингдан зиёд касб-ҳунар коллежлари ҳамда 200 дан ортиқ академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда.

Янги ўқув йили олдидан қатор замонавий илм масканлари очилди. Жумладан, Тошкент туманидаги Ижтимоий-иқтисодиёт коллежи янги ўқув биносининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган вилоят ва туман ҳокимликлари, шунингдек, тегишли ташкилотлар вакиллари мазкур янги бино мамлакатимизда амалга оширилаётган аниқ мақсадли ислоҳотлар самараси эканлигини



эътироф этишди.

«Ўзоғирсаноатлойиҳа» ҳамда «Ўзқишлоқлойиҳа» институтлари лойиҳалаштирган 450 ўринли коллеж «ASEL-SAN» қурилиш ташкилоти томонидан қисқа фурсатда қуриб битказилди. Унда 24 ўқув ҳамда лаборатория хоналари, спорт зали, шунингдек, спорт майдончалари бор. Коллежнинг янги биноси қурилишига давлат томонидан 1 миллиард 319 миллион сўм маблағ сарф этилди.

Тақдимот маросимида фан-ўқув хоналаридаги қулайликлар, замонавий ўқув-техник воситалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда коллеж ўқувчи-ёшларининг «Фонус» рақс ансамбли ва «Ёшлар маркази» махсус концерт дастурини намойиш этди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тақдимот маросимидан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**




**Фермер хўжалигимиз мамлакатимиз Истиқлолининг дастлабки йилларида, айтиш жоизки, деҳқон меҳнати қадр топиб, унинг эмин-эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратила бошлаган кезларда ташкил топган.**

# ИСТИҚЛОЛ ОЛДИДА ТАЪЗИМДАМИЗ

Бугун жамики қийинчиликлар ортда қолиб, мустақил заминдорга айландик, хўжалигимиз тасаррруфидаги ер майдони 102 гектарга етди. Ҳозир асосан ғалла, пахта етиштираяпмиз. Ўттизга яқин қорамол ва йилқимиз, қарийб 5 гектар боғимиз бор. Ўз техникамизга эгамиз, янги ташкил этилган биофабрикамиз самарали ишлаб турибди.

Ҳар сафар Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами кезларида кўнглимни фараҳбахш туйғулар, фахр ва шукроналик ҳислари чулғаб олади. Бошдан дўппини олиб, бир мулоҳаза қилиб кўраман: ким эдигу ким бўлдик?

Бугун минглаб омилкор деҳқонлар қатори кўксимизга шабада тегди, фермер бўлдик. Ҳисоб рақамимизда пулимиз, чўнтакда муҳримиз. Меҳнатга яраша мулкимиз ортаяпти, бойлик топаяпмиз. Энг муҳими, топган-тутганимиздан аввало, ўзимиз, хўжалигимиз аъзолари баҳраманд. Биров келиб, қаердан қанча топаяпсан, қўй-қўзинг қанча бўлди, пулингни нима қилаяпсан, деб сўроққа тутмайди. Бир пайтлар бой бўлиш беҳаловатлик эди, ҳозир туну кун осуда, хотиржаммиз. Ер ўзингники, меҳнат қилган ўзинг, қанча топсанг ҳам қандингни ур. Сенга бебаҳо заминини бериб қўйган эл-юртинг корига яраб, кези келганда елкангни тутиб турсанг бас. Фермернинг шиори шундай.

Бизга шундай осуда ва саодатли кунларни туҳфа этгани, ҳаётимизга янгича мазмун, моҳият бахш этгани учун Истиқлолимиз олдида бир умр таъзимдамиз. Ҳамиша шундай қарздорлик ва бурчдорлик ҳисси билан яшаймиз.

**Жўра ШОКИРОВ,**
**Бўка туманидаги «Саркор» фермер хўжалиги раҳбари.**

# ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

***Юрт тинч бўлса, меҳнатда барака, турмушда хотиржамлик бўлади. Бунинг учун мамлакат Қуролли кучлари ўз бурчларини бажаришга ҳамиша шай бўлиб туришлари, Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш учун жанговар тайёргарликни мукаммаллаштириб боришлари керак. Мамлакатимизда Қуролли кучларни ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун қўшинларда жуда катта маънавий-ҳарбий ўзгаришлар юз беришига олиб келди.***

Бугунги ҳарбий бўлинмалар энг замонавий техника ва қурол турларига эга ҳаракатчил қисмлардир. Масалан, бизнинг билим юртимиз қуруқликдаги қўшинлар учун малакали сардор-мутахассислар тайёрлаб беради. Битирувчиларимиз қисмларда хизматни давом эттириб, аскарларнинг малака ва маҳоратларини ошириш, танкларнинг жанговар имкониятларидан фойдаланиш муддатларини узайтиришга эришмоқдалар. Танкчи офицерлар одатда юқори малакага эга муҳандис, ҳам ниҳоятда қобилиятли тарбиячилар сифатида эътироф этилмоқдалар. Улар аскарларга пухта ҳарбий таълим бериб, шу азиз ва мўътабар Ватанимизнинг муносиб фарзандларини тарбиялаяптилар.

Менинг хизмат жараёнидаги ютуқларим муносиб баҳоланиб, шу қутлуғ кунларда «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирландим. Бу мен учун қанчалик фахрли воқеа бўлса, зиммамга ҳам шунчалик масъулият юкланишини яхши тушунаман. Ватан хизматига ҳамиша тайёрман!

**Озодбек ТЎХТАЕВ,**
**Чирчиқ Олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг взвод мутахассиси.**

# ЮРТГА КЕРАКЛИЛИК БАХТИ

**Ҳар йили Мустақиллик байрамини жуда орзиқиб кутаман. Бу кун хонадонимизга қўш шодиёна олиб келади. Мен айнан 1 сентябрь куни туғилганман! Буни қарангки, учинчи ўғлим Дадахон айни шу кезларда 16 ёшни қаршилайди. Демакки, у Истиқлол тенгдоши.**

Асли касбим маданият ходимаси. Шундай бўлсада, кўнглимга тадбиркор бўлиш ниятини тугиб, мақсад сари интилиб келаяпман. «Сендан ҳаракат – мендан баракат» деганларича бор экан. Менинг саъй-ҳаракатларим, интилишларим, мақсадларимга аввало Истиқлолнинг ўзи йўл очиб берди. Ҳокимликнинг қўллаб-қувватлаши билан туман марказидаги Ўзбек маҳалласи ҳудудида хусусий корхона очдим. Секин-аста ташландиқ ва қаровсиз ётган ҳудудда катта хусусий савдо дўкони бунёдга келди. Тез орада дўкон атрофи кўркам, обод гўшага айланди. Энг асосийси, маҳалла кўчаси яхшиланди, ота-оналар ва мактаб ўқувчилари учун қулай қатнов йўли яратилди. Ҳозир корхонамизда савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг хилма-хил турлари жорий этилмоқда. Туман аҳолисига зарур уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, болалар ўйинчоқлари, турли-туман совғалар етказиб бераяпмиз.

Биз каби тадбиркорларга шундай шароитларни ҳадя этган Мустақиллигимиз боқий бўлсин. Ҳеч бир инсонни ўтаётган ҳар бир кунимизга шукроналик ҳисси ва мамнунлик туйғуси тарк этмасин!

**Раъно АБДУЛЛАЕВА,**
**Бўка туманидаги «Нозимхон – Нодирхон» хусусий корхонаси раҳбари.**

# ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!

***Пойтахтимизда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Ватанимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир!" республика кўрик-танлови якунланди.***

Истиқлолимизни, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, умрбоқий қадриятларимизни тараннум этадиган энг яхши қўшиқлар учун ўтказилган республика танловига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кўплаб янги мусиқий асарлар тақдим этилди.

Анор Назаров мусиқаси, Иқбол Мирзо сўзи билан Дилнура Қодиржонова ижросидаги "Атрофга боқ" қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси, Абдулла Орипов шеъри билан Шарофиддин Муродов ижросидаги "Ватан" қўшиғи ҳамда Рустам Абдуллаев мусиқаси, Иқбол Мирзо сўзи билан Дилноза Исмияминова ижросидаги "Мангу ҳаёт" қўшиғига берилди.

**ЎзА.**

# АНГРЕН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

## озод ва обод Ўзбекистонимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Мустақиллик куни билан меҳнаткаш халқимизни самимий муборакбод этади.



Ўтган 16 йил она диёримизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда туб бурилишлар даври бўлди. Тараққиётга юз тутган юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, устувор вазифаларнинг негизида аввало инсон ва унинг манфаатларини кўриш мумкин. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги хайрли ҳаракатлар бу борадаги савобли амалларга, илғор ташаббусларга кенг қанот бағишлади. Мустақил давлатимиз нуфузи жаҳон мамлакатлари ўртасида янада ошаверсин. Юрт истиқболи йўлида самарали меҳнат қилаётган замондошларимизнинг ютуқларига ютуқ қўшилаверсин. Байрам шодликлари кўнгилларга кўтаринки руҳ, аъло кайфият бахш этсин!



## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида, нархлари ошиб бориш тартибида, 2007 йилнинг 2, 9, 16, 23 ва 30 октябрь кунлари соат 11.00 да қуйидаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

| № | Савдо объекти номи (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси) | Бошланғич нархи (сўм) | Суд ижрочиси | Суд органи | Ижро ҳужжати рақами | Манзили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Товуқ фермаси биноси, таъмирталаб | 51 106 000 | Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими | Тошкент вилояти хўжалик суди | 26.10. 2006 й., №11-06-05/ 8879 ижро варақаси | Қуйичирчиқ тумани, "Ўзбекистон 5-йиллиги" т/х, А. Сулаймонов номли 1-бўлим |
| 2 | Чойхона биноси, майдони 271,52 кв.м.дан иборат, таъмирталаб | 8 670 400 | | | | |
| 3 | Ошхона биноси, майдони 204,37 кв.м.дан иборат, 1981 йилда қурилган, таъмирталаб | 4 792 819,23 | | | 25.12. 2006 й., №11-0616/ 13675 суд буйруғи | Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 40-А уй |
| 4 | Ошхона биноси майдони 180,83 кв.м.дан иборат, 1981 йилда қурилган, таъмирталаб | 4 791 109,64 | | | | |
| 5 | "Нексия" русумли, д/р 11 АА 229, 1997 йилда и/ч, техник соз | 5 304 000 | | | | |
| 6 | "ЗИЛ 4505" русумли, д/р 11 AL 698, 1990 йилда и/ч, техник носоз | 2 178 101,45 | Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими | Тошкент вилояти, хўжалик суди | 29.01. 2007 й., №11-0610/ 13130 ижро варақаси | Чирчиқ шаҳри, У. Юсупов кўчаси 24-А уй. "Чирчиқ ГПРИЭПДХ" корхонасида |
| 7 | "ЗИЛ ММЗ 45021" русумли, д/р 11 AL 782, 1986 йилда и/ч, техник носоз | 2 489 258,80 | | | | |
| 8 | "ГАЗ 31029" русумли, д/р 11 AD 012, 1995 йилда и/ч, техник носоз | 933 472,5 | | | | |
| 9 | "ТИКО" русумли, д/р 11 AF 463, 1997 йилда и/ч. | 1 596 623,44 | | | | |
| 10 | "КАВЗ 3270" русумли, д/р 11 AV 613, 1990 йилда и/ч | 2 240 332,92 | | | | |
| 11 | "Дамас" русумли, д/р 11 АА 866, 1998 йилда и/ч, техник носоз | 3 700 000 | Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими | Тошкент вилояти, хўжалик суди | 29.05. 2006 й., №11-0617/ 3904 ижро варақаси | Тошкент тумани, Бозорбой кўчаси 19-уй. |

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотека-банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**ОМАД АГАР ЮЗ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲКАМ! КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ!**

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз.

*Кўчмас мулк кетмас давлат!*

*Биржамизга марҳамат!*


# Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

## ДУШАНБА 3

**O'ZBEKISTON**

**6.00** "Ассалом, Ўзбекистон!"
**8.00**-8.45 "Таҳлилнома".
**8.50** "Замин ғаройиботлари".
**9.15** "Покахонтас". Мультсериал.
**9.40** "Менинг университетим".
**10.00** "Ватанпарвар".
**11.00** "Ахборот".
**11.15** "Шифокор қабулида".
**11.35** "Одами эрсанг"
**12.00** "Ассалом, Ўзбекистон!"
**13.00** "Кўнгил риштаси". Т/с.
**13.55** Вилоят наволари.
**14.00** "Ахборот".
**14.20** "Шарқ тароналари".
**14.35** "Ўлдинг, азиз бўлдинг". Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрининг спектакли. 1-қисм.
**15.40** "Ўлдинг, азиз бўлдинг". Спектакль. 2-қисм.
**16.45** "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
**17.00** "Ахборот".
**17.20** "Ҳаёт ва қонун".
**17.40** "Марғилон – 2000".
**17.45** "Шу азиз Ватан барчамизники".
**18.35** "Гулхан атрофидагилар". Т/с.
**19.15** "Минг бир ривоят".
**19.20** "Сизнинг адвокатингиз".
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** "Ахборот"
**20.10** "Довюрак самурай". Т/с
**20.50** "Минг бир ривоят".
**21.00** "Ахборот".
**21.40** "Муқаддас қадамжолар".
**22.05** "Кўнгил риштаси". Т/с
**23.00** "Қўшиғимсан, муҳаббат"
**23.10** "Борже узуги". Т/с.
**24.00**-00.05 Тунги наволар.

**YOSHLAR**

**15.55** Дастурнинг очилиши.
**16.00** "ДАВР".
**16.10** "Journal"
**16.30** "Якшанба нонуштаси".
**17.00** "Устоз".
**17.10** "Мўъжизавий дунё".
**18.00** "Даврнинг боласи".
**18.10** "Ойбола". Мультфильм.
**18.20** "Болалар табассуми".
**18.25** "Устозим!"
**18.30** "Мулки мумтоз".
**19.00** "ДАВР".
**19.30** "Айро тақдирлар". Т/с.
**20.10** "UzEX хабарлари"
**20.20** "Ёшлик наволари".
**20.40** "Афсонавий Марғилон - 2000 ёшда!"
**20.45** "Эълонлар".
**20.50** "Ишкомли уй". Т/с.
**21.35** "UzEX хабарлари".
**21.40** "Радиодан кўрсатамиз!"
**21.50** "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
**21.55** "Эълонлар".
**22.00** "ДАВР".
**22.50** "Пуаро". Т/с.
**23.45** - 23.50 "Таскин".

**TOSHKENT**

**17.55** Мультфильм: "Қундуз амакининг ҳикоялари".
**18.05** "Телекурьер – маркет".
**18.30** "Пойтахт"
**18.45** "Шукрона".
**18.50** "Эгизаклар". Т/с.
**19.25** "ТВ юрист".
**19.30** "Мусиқа SMS".
**19.50** "Саломат бўлинг"
**20.00** "Пойтахт"
**20.15** "ТВ юрист"
**20.20** "Возможно они сошли с ума".
**20.50** "Интервью"
**21.00** "Жозиба".
**21.30** "Пойтахт"
**21.45** "Ўйларим".
**21.50** "Телекурьер - маркет".
**22.10** "Аёл қалби".
**22.30** "Пойтахт"
**22.45** "Кино SMS со звездами".
**22.50** -00.10 Кино: "Таинственный остров". 1-қисм.

**SPORT**

**7.00** "Бодрое утро".
**8.00** "Талқин".
**8.30** "Малахов +".
**9.30** "Детективы".
**10.00** "Версия".
**10.30** "Болалар спорти".
**10.50** "Ким нимага қодир?"
**11.10** "Жаҳон халқлари ўйинлари".
**11.25** - 12.00 "Тақдир чизгилари".
**17.00** Футбол. "Пахтакор" - "Андижон".
**18.50** "Мусиқий тайм".
**19.10** "Жди меня".
**20.00** "Чужие тайны". Т/с.
**20.45** ПрофРИНГ.
**21.30** "Хабарлар"
**21.50** "Дела семейные". Т/с.
**22.45** Футбол шарҳи.
**23.05** Теннис. Осиё чемпионати.

## СЕШАНБА 4

**O'ZBEKISTON**

**6.00** "Ассалом, Ўзбекистон!"
**8.00**-8.35 "Ахборот".
**8.45** "Замин ғаройиботлари".
**9.10** "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
**10.00** "Менинг университетим".
**10.20** Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
**10.45** "Сизнинг адвокатингиз".
**10.55** "Минг бир ривоят".
**11.00** "Ахборот".
**11.15** "Довюрак самурай". Т/с.
**11.50** "Ахборот"
**12.00** "Ассалом, Ўзбекистон!"
**13.00** "Кўнгил риштаси". Т/с.
**14.00** "Ахборот".
**14.20** "Қушлар ҳақида ҳақиқат".
**15.10** "Кўҳна ва навқирон Марғилон".
**15.30** Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Ф. Менделсон.
**16.15** "Обод манзиллар".
**16.35** "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
**17.00** "Ахборот".
**17.15** "ИИВ хабарлари".
**17.30** "Ҳудудлар ҳаёти".
**17.45** "Шу азиз Ватан барчамизники".
**18.35** "Гулхан атрофидагилар". Т/с.
**19.15** "Банк ва бизнес янгиликлари".
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** "Ахборот"
**20.10** "Довюрак самурай". Т/с.
**20.50** "Минг бир ривоят".
**21.00** "Ахборот".
**21.40** Эркин мавзу.
**22.05** "Кўнгил риштаси". Т/с.
**23.00** "Қўшиғимсан, муҳаббат"
**23.10** "Борже узуги". Т/с.

**YOSHLAR**

**7.00** "ЯНГИ ТОНГ"
**8.00** "Чорраҳадаги уй".
**8.30** "Айро тақдирлар". Т/с
**9.00** "Биз киммиз?"
**9.20** "Бунёдкор ёшлар".
**9.40** "Нафосат олами". Рассом Ғайрат Ортиқов.
**10.00** "ДАВР".
**10.10** "Интерфутбол".
**12.00** "Ишкомли уй". Т/с.
**12.40** "Радиодан кўрсатамиз!"
**13.00** "ДАВР".
**13.10** "Даврнинг боласи".
**13.20** "Эртагим-эртак"
**14.00** "Ғурур". Т/с
**14.55** "Тафаккур нури".
**15.00** "ЯНГИ КУН"
**16.00** "ДАВР".
**16.10** "Пуаро". Т/с.
**17.00** "Истиқбол тимсоллари".
**17.10** "Мўъжизавий дунё".
**18.00** "Даврнинг боласи".
**18.10** "Ойбола". Мультфильм.
**18.20** "Болалар табассуми".
**18.25** "Устозим!"
**18.30** "Мулки мумтоз".
**19.00** "ДАВР".
**19.30** "Айро тақдирлар". Т/с.
**20.10** "JOKER" телелотереяси.
**20.20** "Марғилон".
**20.40** "Мангуликка муҳрланган мустақиллик".
**20.45** "Эълонлар".
**20.50** "Ишкомли уй". Т/с.
**21.35** "Ёшлик наволари".
**21.55** "Эълонлар".
**22.00** "ДАВР".
**22.50** "Пуаро". Т/с.
**23.45** - 23.50 "Таскин".

**TOSHKENT**

**7 30** Салом, Тошкент!"
**8.35** "Эгизаклар". Т/с.
**9.05** "Телекурьер-маркет".
**9.25** "Аёл қалби".
**9.40** "ТВ юрист".
**9.50** "Шукрона".
**9.55** "Мусиқа SMS".
**10.15** "Ўйларим".
**10.25** "Интервью"
**10.35** "Саломат бўлинг"
**10.45** "Туризм ҳақида"
**11.15** "Тв юрист"
**11.25** -12.45 Кино: "Таинственный остров". 1-қисм.
**17.55** Мультфильм: "Қундуз амакининг ҳикоялари".
**18.05** "Телекурьер- маркет".
**18.30** "Пойтахт"
**18.45** "Шукрона".
**18.50** "Эгизаклар". Т/с.
**19.25** "ТВ юрист".
**19.30** "Мусиқа SMS".
**19.50** "Ҳимоя".
**20.00** "Пойтахт"
**20.15** "ТВ юрист"
**20.20** "Возможно они сошли с ума". Познавательная программа.
**20.50** "Репортаж".
**21.00** "Жозиба".
**21.30** "Пойтахт"
**21.45** "Ўйларим".
**22.10** "Ўйлар ва ранглар суҳбати".
**22.30** "Пойтахт"
**22.50** - 00.10 Кино: "Таинственный остров". 2-қисм.

**SPORT**

**7.00** "Бодрое утро".
**8.00** "Хабарлар"
**8.20** Мультфильм.
**8.30** "Малахов +".
**9.30** "Детективы".
**10.00** "Хабарлар"
**10.20** Теннис. Осиё чемпионати.
**12.20** - 12.50 Белбоғли кураш.
**18.00** "Болалар спорти".
**18.15** "Мусиқий тайм".
**18.30** "Хабарлар"
**18.50** Теннис. Осиё чемпионати.
**19.50** "Остров Пасхи. Таинственные гиганты".
**20.00** "Чужие тайны". Т/с.
**20.45** Спорт - менинг ҳаётим".
**21.00** Футбол мундиал.
**21.30** "Хабарлар"
**21.50** "Дела семейные". Т/с.
**22.45** Еврофутбол. "Барселона" - "Атлетик".

## ЧОРШАНБА 5

**O'ZBEKISTON**

**6.00** "Ассалом, Ўзбекистон!"
**8.00**-8.35 "Ахборот".
**8.40** Олтин мерос.
**8.50** "Замин ғаройиботлари".
**9.15** 1. "Цирк, цирк, цирк". 2. "Покахонтас". Мультсериал.
**10.05** "Саёҳатга марҳабо!" Марғилон.
**10.25** "Ҳаёт манзаралари".
**10.35** "ИИВ хабарлари".
**10.50** "ТВ шифокор".
**10.55** "Минг бир ривоят".
**11.00** "Ахборот".
**11.15** "Довюрак самурай". Т/с.
**11.50** "Юртим бўйлаб". дастури: "Мафтункор Бахмал".
**12.00** "Ассалом, Ўзбекистон!"
**13.00** "Кўнгил риштаси". Т/с.
**13.50** Олтин мерос.
**14.00** "Ахборот".
**14.20** "Қушлар ҳақида ҳақиқат".
**15.10** "Ягона оилада".
**15.30** "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" хазинасидан.
**16.30** 1. "Бизнинг кутубхона". 2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
**17.00** "Ахборот".
**17.15** Олтин мерос.
**17.25** "Таълимга эътибор - келажакка эътибор".
**17.45** "Одамлардан бири".
**18.05** "Оҳанглар оғушида".
**18.15** "Ўзбекистон аёли".
**18.35** "Гулхан атрофидагилар". Т/с.
**19.20** "Сизнинг адвокатингиз".
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** "Ахборот"
**20.05** "ТВ шифокор".
**20.10** "Довюрак самурай". Т/с.
**20.50** "Минг бир ривоят".
**21.00** "Ахборот".
**21.40** "Кўҳна ва навқирон Марғилон". 1-қисм.
**22.05** "Кўнгил риштаси". Т/с.
**23.00** "Қўшиғимсан, муҳаббат"
**23.10** "Борже узуги". Т/с.
**24.00**-00.05 Тунги наволар.

**YOSHLAR**

**7.00** "ЯНГИ ТОНГ"
**8.00** "Чорраҳадаги уй".
**8.30** "Айро тақдирлар". Т/с.
**9.00** "Биз киммиз?"
**9.20** "Бунёдкор ёшлар".
**9.40** "Нафосат олами". Рассом Алишер Отабоев.
**9.50** "Иқлим".
**10.00** "ДАВР".
**10.10** "Ипак сеҳри".
**10.45** "KINOMANIYA".
**11.15** "Водий дурдонаси".
**11.40** "SMS-мусиқа".
**12.00** "Ишкомли уй". Т/с.
**12.40** "Камолот" хабарлари.
**12.50** "Иқлим".
**13.00** "ДАВР".
**13.10** "Даврнинг боласи".
**13.20** "Эртагим-эртак"
**13.50** "Бу байрам – барчамизники!"
**14.00** "Ғурур". Т/с.
**14.55** "Тафаккур нури".
**15.00** "ЯНГИ КУН"
**15.50** "Иқлим".
**16.00** "ДАВР".
**16.10** "Пуаро". Т/с.
**17.00** "Ҳеч нима ҳақида битиклар".
**17.10** "Мўъжизавий дунё".
**18.00** "Даврнинг боласи".
**18.10** "Ойбола". Мультфильм.
**18.20** "Болалар табассуми".
**18.25** "Устозим!"
**18.30** "Мулки мумтоз".
**18.50** "Иқлим".
**19.00** "ДАВР".
**19.30** "Айро тақдирлар". Т/с.
**20.10** "СПОРТЛОТО".
**20.20** "Автопатрул".
**20.40** "Афсонавий Марғилон – 2000 ёшда!"
**20.45** "Эълонлар".
**20.50** "Ишкомли уй". Т/с.
**21.35** "Ёшлик наволари".
**21.55** "Эълонлар".
**22.00** "ДАВР"..**30** "SMS-мусиқа".
**22.50** "Пуаро". Т/с.
**23.45** - 23.50 "Таскин".

**TOSHKENT**

**7 30** Салом, Тошкент!"
**8.35** "Эгизаклар". Т/с.
**9.05** "Телекурьер-маркет".
**9.25** "Ҳимоя".
**9.40** "ТВ юрист".
**9.45** "Шукрона".
**9.50** "Мусика SMS".
**10.10** "Ўйларим".
**10.20** "Мулоҳаза учун мавзу".
**10.50** "Репортаж".
**11.00** "ТВ юрист"
**11.10** - 12.30 Кино: "Таинственный остров". 2-қисм.
**17.55** Мультфильм: "Қундуз амакининг ҳикоялари".
**18.30** "Пойтахт"
**18.45** "Шукрона".
**18.50** "Эгизаклар". Т/с.
**19.25** "ТВ юрист".
**19.30** "Мусиқа SMS".
**19.50** "Мисли гавҳар".
**20.00** "Пойтахт"
**20.15** "ТВ юрист"
**20.20** "Возможно они сошли с ума".
**20.50** "Интервью".
**21.00** "Жозиба".
**21.30** "Пойтахт"
**21.45** "Ўйларим".
**21.50** "Телекурьер-маркет".
**22.10** "Государственный музей истории Узбекистана". 1-фильм.
**22.30** "Пойтахт"
**22.50** - 00.35 Кино:". Как отделатся от парня за десять дней".

**SPORT**

**7.00** "Бодрое утро".
**8.00** "Хабарлар"
**8.20** Мультфильм.
**8.30** "Малахов +".
**9.30** "Детективы".
**10.00** "Хабарлар"
**10.20** Теннис. Осиё чемпионати.
**12.20** - 12.50 Белбоғли кураш.
**18.00** Болалар спорти.
**18.15** "Мусиқий тайм".
**18.30** "Хабарлар"
**18.50** Теннис. Осиё чемпионати.
**19.50** "Тет-а-тет".
**20.00** "Чужие тайны". Т/с.
**20.45** "Путешествия натуралиста".
**21.10** "Тақдир чизгилари".
**21.30** "Хабарлар"
**21.50** "Дела семейные". Т/с.
**22.45**. Еврофутбол.





**Қибрай туманидаги Жўра Хоназаров номли фахрийлар дам олиш масканида «Икки авлод учрашуви» мавзуида маърифий кеча ташкил этилди. Республика «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган тадбир том маънода Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик шодиёналарига ҳамоҳанг тарзда кечди.**



# БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР...

Айтиш жоизки, ҳар қандай миллатнинг эрки ва озодлиги, жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ўз-ўзидан бўлмайди. Шу маънода бугунги тинч ва осуда кунларимизнинг барқарор бўлишида ҳам неча-неча фидойи, заҳматкаш кексаларнинг меҳнати, ғайрат ва шижоати, ақлу тафаккури, жасорати муносиб ҳисса бўлиб қўшилганки, уларнинг ҳар бири, айниқса, ёш авлод учун жуда катта ибрат мактабидир. Кўпни кўрган отахону онахонлар, меҳнат фахрийлари шунинг учун ҳам жамиятимизда алоҳида эъзоз ва эҳтиром кўраётирлар. Шоир таъбири билан айтганда, Ватанни аслида Ватан қилганлар ҳам шулардир...

«Камолот»нинг пойтахт ва вилоят бўлимлари фаоллари, илмга чанқоқ ва зукко вакиллари ҳузурида ҳозир бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Зикир Муҳаммаджонов, Абдулла Орипов, санъат усталари Коммуна Исмоилова, Олмахон Ҳаитова, шунингдек, узоқ йиллар юртимизнинг турли соҳаларида ҳалол ва мардонавор меҳнат қилган фахрийлар ҳаётларининг ибратли қирраларидан ҳикоя қилувчи шингил хотираларидан сўзлашди, мустақиллик йўлида жон фидо қилган эл фарзандларини ёдга олишди, истиқлол неъмати, уни асраб-авайлаш саодати, эл олдидаги қарздорлик ва бурчдорлик туйғулари хусусидаги фикрларини жонли мисоллар орқали баён этишди.




– Бугун шу кечага йиғилган ёшу кексанинг, ҳаммамизнинг Ватанимизга, унинг кутлуғ Истиқлолига қарата айтадиган дил изҳоримиз, шукронамиз бор, – деди Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоир. – Ҳамиша ана шу шукроналик, қарздорлик кўнгилларни уйғотиб турсин. Истиқлолни меҳр-муҳаббатимиз билан, садоқатимиз билан асрайлик, камол топтирайлик. Бу каби тадбирлар, нуронийларимиз ибрати шу ерга йиғилган ёшлар қатори барчамизни бирдамликка, меҳру оқибатга, эл-юртга, бир-биримизга муҳаббатли бўлишга чорлайди. Ҳувайдодан иқтибос:

*Муҳаббатдан муҳаббат*
*бўлди пайдо,*
*Муҳаббатсиз кишидин*
*қоч Ҳувайдо...*

Тадбирда сўз олган ёшлар, истиқлолимиз тенгдошлари кекса авлод бошлаган хайрли ишларни давом эттириш, эзгу ниятли халққа муносиб фарзанд бўлиш, элимизга хос беғубор анъаналарга содиқ бўлиш зиммаларига катта масъулият юклашини, ҳамиша авлодларга муносиб ворис бўлишга интилажакларини таъкидладилар.

Тўкин дастурхон атрофига йиғилганлар шу куни санъат усталари қатори ёшлар ижодидан ҳам баҳраманд бўлдилар. Файзли даврадаги ўйин-кулги, назму наво кун бўйи давом этди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбир лаҳзалари акс этган.
**Еркебой БОТИРОВ**
**олган суратлар.**

# БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

**Вилоят ички ишлар бошқармаси, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармаси мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан хайрия тадбири ўтказди.**

Ички ишлар хизмати фахрийлари иштирокида ўтган тадбирда хизмат бурчини адо этиш вақтида вафот этган ходимларнинг 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган 50 нафар фарзандларига янги ўқув йили олдидан мактаб анжомлари, кийим-кечаклар топширилди ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Тадбир сўнггида болажонлар вилоят ички ишлар бошқармасидаги «Хотира бурчаги» ва «Маъюс она» ҳайкалига гулчамбарлар қўйишди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят ички ишлар**
**бошқармаси матбуот**
**хизмати катта**
**инспектори.**

# ЯГОНА ОИЛА БАҒРИДА

***Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Ангрен шаҳарлари, вилоят туманларида 32 та миллий маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири муайян миллат фарзандларини бирлаштириб, мустақил мамлакатимизда барча халқларнинг азалий маданий меросини, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиб, уларни умуминсоний қадриятлар асосида бойитиб, Ўзбекистон халқи деб аталмиш ягона гулдастага жило бермоқдалар.***

Ўтган бир йил давомида марказимизда тил, адабиёт, рақс тўгараклари шаклланди ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Машғулотларга юқори синфларнинг ўқувчилари ҳам, кўпни кўрган кексалар ҳам бирдек қизиқиш билан қатнашишади.

Марказимиз кутубхонаси ниҳоятда бой. Китобхонлар ўз таъбларига қараб, истаган бадиий, илмий ёки бошқа оммабоп асарларни олиб ўқишлари мумкин. Кексалар ёшларнинг классик ва халқ рақсларини ўрганишларига ёрдам беришаётир. Уларнинг рақсларни қандай ўзлаштириш, мусиқани танлаш ва унинг оҳангларига монанд ритмлар ижроси бўйича маслаҳатлари йигит-қизларда ҳамиша катта қизиқиш уйғотади. Турли тўгаракларнинг иштирокчилари биргаликда рус халқ эртаклари асосида театрлаштирилган шоу томошаларини саҳналаштиришяпти. Улар намойиш қилинган кунлар чинакам байрамга айланиб кетади.

**Любовь ГРИШИНА,**
**Чиноз тумани рус**
**миллий маданият**
**маркази раҳбари.**

## Ватандан яхши ёр бўлмас

# ҚАЙТИБ КЕЛДИ...

Обиджоннинг кейинги кунлардаги аҳвол-руҳиятидан хавотирга тушган Қаноатхон қўшниси Рисолатга ўғлидан ҳасрат қилди:

– Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, Рисолатой. Дардимни тинглашга тоқатингиз етармикан?

– Вой, опоқи, нималар деяпсиз, одам тафтини одам олади-я, сўзлайверинг.

– Обиджонимни биласиз, қўй оғзидан чўп олмайдиган йигит. Ўқишни тугатганига ҳам икки-уч ой бўлиб қолди. Не ҳасратда ўқитдим, айланай... Тоғаси дурустгина ишга жойлаб қўяман, деса ҳам кўнмай, «кетаман»га тушиб қолди.

– Қаерга кетармиш?

– Э, қаёқдан билай, бир ой ишласам, битта машинага пул беришади, дейди. Бу гапни қаердан олди, билмадим...

Қаноатхоннинг куйинганича бор. Обиджонни дея не кўйларга тушмади. Эри Одилжоннинг ўлимидан сўнг, етти ёшли ўғли билан бўзлаб қолаверди. Аммо ёшгина, келишган жувон эмасми, сўровчиси кўп бўлди. Лекин ёлғизини кўзи киймади. «Ўгай ота барибир ўгай, минг яхшиси бўлса ҳам, ўз отасидек бўлмайди» деб, бошқа эрга тегмади. Бир-бир оғиз солиб, совчи қўйганларнинг оёғи тинди-ю, бадхулқ эркакларнинг маломати тинмади. Кимга рад жавобини берса, ортидан иғво қилиб, «катталар билан дон олишиб юради» дея гап тарқатишарди. Аммо Қаноатхон ўз номи билан қаноатли, бардошли эди. Вақти келиб, ғийбату иғволар тинди, ҳақиқат эгилди-ю, синмади. Бахтига Обиджони ҳам ақл-ҳушли, одобли бўлиб ўсди. Бўйига қараб суюнди, келин қилиш орзусига тушди.

– Ўғлим, ўқишинг ҳам тугаб қолди. Танлаганинг бордир... – деди онаизор синиқ овозда.

Қаноатнинг ҳадиги ўринли эди. Обиджоннинг ўртоқлари оталик, оналик, ўзига тўқ оилалардан. «Улардан кам қилмай уйлантира оламанми?» деган ўй кўнглининг бир четини кемириб турар, кейинги пайтларда ўғлининг камгап, серзарда бўлиб қолганлигини шунга йўйиб, сиқиларди.

– Тоғаларинг «қарашворамиз, тўйини яхшилаб ўтказиб берамиз», дейишяпти...

– Ойи, тўйга пулни ўзим ишлаб топаман. Қўяверинг.

– Ҳа, айтгандай, тоғанг дурустроқ ишга жойлаб қўяман, деганди.

– Ойи, қачонгача бировнинг ёрдамига кўз тикиб яшаймиз. Ахир уларнинг ҳам ўз оиласи, бола-чақаси бор! Энди тоғанг, тоғанг деяверманг...

Мана энди, чет элга ишлаш учун кетаманга тушиб, онасининг бир дардига ўн дард қўшди ўғил тушмагур.

Обиджоннинг ўзгариб қолгани бежиз эмас эди. У ёқтириб юрган қизнинг отаси «қизимни отаси йўқ йигитга бермайман, нимасига уйланади, ё дурустроқ уйи бўлмаса», деган эмиш. Бундан Обиджон қаттиқ ўксиб қолган эди. Қаноатхон ўғлига розилик беришдан ўзга чораси қолмаганидан бағри ёнди: «Қўли калталик қурсин, ёлғизимдан айрилиб қолмасам эди...»

Онанинг хавотири тўғри бўлиб чиқди. Уч ойгача Обиджондан дарак бўлмади. «Иш топиб бераман, мўмай-мўмай ҳақ олади», деган кишини тополмай, тинкаси қуриди. Ахийри укасининг ўғли гап топиб келди: Обиджон кимнингдир уйида ишлаётган эмиш. Ҳали пул олмаган, ҳужжатлари ҳам ўзида эмас экан...

Аслида Обиджон бир фирибгарнинг тузоғига илинган эди.

– Сенинг ҳақингни тўлаб қўйганман. Энди менинг ихтиёримдасан, хоҳлаган пайтимда рухсат бераман, қочишни ўйлама, ҳужжатсиз ҳеч қаерга кетолмайсан, – деган эди Обиджон ишлаётган уйнинг эгаси.

У нима иш қилиб қўйганини шунда тушунди. Бу томонларга келаётганда орзулари бошқача эди. Ўйлаб қараса, ўзича бойвачча кўринган «хўжайини»нинг ҳам ҳаловати йўқ: гоҳ эр-хотин, гоҳ тантиқ ўғил-қиз, ота-бола ўртасида очиқ-ошкора жанжал. Айниқса, пул масаласидаги узлуксиз тўполон, куракда турмайдиган сўзлар...

«Ўзимнинг меҳрибон, ширинсухан онажоним, фариштагинам. Пул дардида ўзини хор қилган ноқобил ўғлингизни кечиринг, қани энди бағрингизга қайтолсам!»

Қаноатхон эса, ёлғизининг бебошлигида ўзини айблар, «нима қилсин, ўртоқларидан кам бўлгиси келмайдида», дерди. Лекин фарзанд соғинчи тоқатини тоқ қилди. Сўраб-суриштириб, излаб-излаб охири ўғлини топди. Ҳа, яхшилар омон бўлсин. Ҳужжатлари ҳам топилди.

– Ўғлим, ўқиган жойингдан устозларинг келиб кетишди. Сени ишга чақиришяпти.

Обиджоннинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. «Наҳотки, кимгадир керак бўлсам?!»

Энди у севган ишига бутун вужуди билан шўнғиган, бошқа ташвишлар қизиқтирмасди ҳам.

– Обиджон, қачон ошингни еймиз, юраверасанми, – деди бир кун устози. Унинг кўзларида қандайдир ўзгача бир меҳр бор эди...

– Ҳа, энди...

Уйга келса онажониси ҳар галгидан бошқача, ўғлининг пешонасидан ўпиб кутиб олди.

– Ойижон, бир гап борми, жуда хурсандсиз, – деди Обиджон.

– Сенга мос қиз топиб қўйдим, шунга хурсандман, кўрсанг сенга ҳам ёқади.

– Ким экан, танийманми?

– Ҳа-да, устозингнинг қизи бор экан-ку, билмасмидинг? Жуда ақлли, баодоб қиз деб мақташяпти. Отаси ҳам «Агар Обиджонга бўлса, йўқ демайман», дебди.

Обиджон бирдан устозининг бугунги сўзларини эслади, юраги бир депсиниб тушгандек бўлди. «Ахир, отам бўлмаса, наҳотки, рози бўлса», ўйлади у. Онаизор ўғлининг ўйланиб қолганини кўриб, қўшимча қилди:

– Бу ёғидан хавотирланма, ўғлим. Сенга яна бир хушхабарни айтмоқчи эдим. Яқинда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаш ҳақида Юртбошимизнинг фармони чиқибди. Энди тўй ҳам, чиройли таъмирланган уй ҳам бўлади. Ишқилиб, давлатимиз омон бўлсин. Қайтиб келганинг қандай яхши бўлди, ўғлим. Ўз юртингдан қўймасин.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

# БУНДАЙ ЭЛНИ ҚАЙДАН ТОПАСАН

*Сен дунёга келган кунингда*
*Хабар топар етти маҳалла.*
*Қулоғингга азонлар айтиб,*
*Етти қўшни айтади алла.*
*Бундай элни қайдан топасан.*

*Қиз боламни... тўнлар киямиз,*
*Ўғил бўлса ошлар еймиз, деб*
*Ва биринчи қадамингдан то*
*Тўйинггача қизийверар гап.*
*Бундай элни қайдан топасан.*

*Бўйинг етса, бўйларингдан-ку,*
*От миндириб ҳар кун айланар.*
*Бургут қўнар чўққилар излаб,*
*Орзуларга илдиз бойланар.*
*Бундай элни қайдан топасан.*

*Темирқанот қанотларинг ҳам*
*Қотиб борар учганинг сайин.*
*Осмонингни оқартирган — эл,*
*Қуёши бор тонгларга чайин.*
*Бундай элни қайдан топасан.*

*Юрт ишига ярарсан бир кун*
*Қўлдан олиб боболар ишин.*
*Дуоларда фаришталар бор,*
*Фаришта — бу элингдир, тушун.*
*Бундай элни қайдан топасан.*

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

Яккасарой туманидаги «ART VISION» масъулияти чекланган жамияти

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. А-3919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 00.20. 2 3 4 5 6